

Адолатли подшох хак таолонинг халойикка кўрсатган мархаматидир; бундай шоҳ мамлакат учун тинчлик ва фаровонлик сабабчисидир...

Одил шоҳ күёш билаи баҳор ёмгиридек кора тупрокдан гуллар очади ва мамлакат халки бошига олтин билан дурлар сочади. Камбагал ва бечора одамлар унинг яхши, мулойим муомаласидан роҳатда; золим амалдор ва миршаблар унинг сиёсати тигидан кўркувда. Адолатли шоҳ шундай кўрикчики, унинг сояйи давлатида кўй-кўзилар бўри хавфидан омон; ёмонларга шафкатсизлигидан йўлдаги мусофиirlар йўл тўсарлар вахимасидан эсон. Мархаматидан мактабларда болалар шовкин-сурони... Хайбатидан йўлларда карокчилар йўқ ва халк кўли ўз моли билаи тўлик. Забтидан амалдорлар калами синик ва золимлар байробги йиқик. Гамхўрлиги ва фаолиятидан масжидлар жамоат билан тўла ва мадрасалар илм устида баҳслашувчилар билан гала-гула. Касоскор тигидан ўгри кўли эл молига етмайди ва уч олиши хавфидан йўлтўсарларнинг кадами йўклик биё-бонидан нарига ўтмайди. Савдо килиш учун тун бўйи дуконларда шамъ ўчмайди, олди-сотди килувчилар кўчаларда безорилар дайдишидан кўркмайди. Шомдап то сахаргача масжид хонакохларининг эшиги очик; хилватхоналар ибодат нуридан ёруг. Шахарда кўчалар посбони у, далада кўйлар чўпони у. Ахолининг ховли-боги унинг шарофатидан обод; сипохлар орзу-умидларига етиб шодон. Одил шоҳ шарофатидан кечалари турк аёлларининг аллалари тинмайди; болалар эса, bemalol oshigini ўйнайди. Кампирлар ип йигиаркан, чарх овозига жўр бўлиб, унинг хакига дуо ўқийдилар; кавизаклар пахта саваркан, савагичнинг тап-тупи билан тўлкийланиб, кушик айтиб, уни олкишлайдилар. Факирлар унга дуо-таксин ўкиб, эркалик киладилар. Шоҳ эса, очик кўллилик билан фукарога саховат килади ва уни сийлайди.

Очларнинг овкати одил шоҳнинг шафкат ва муруват билан ёзган дастурхонидан; ялангочларнинг либоси унинг лутф-мархамат хазинаси эхсонидан. У мамлакат богини обод килишда ёмгир булутидай сероб; мамлакат ахли кўзини ёритишда жаҳонга нур сочувчи офтоб. Ўзга юртларнинг элу халки уни орзу килади; бошка ўлкаларнинг мазлумлари адолатпарварлиги туфайли уни Дуо билан тилга олади. Олимлар унинг яхши номини таърифлаб рисолалар битади; шоирлар унинг гузал сифатини мадҳ айлаб касидалар ёзади. Бастакорлар унга атаб куйлар яратади; хонаида-созандалар уни дил-жигардан куйлайди.

Адолатпарвар шоҳ халкни рози килса, хак-таоло шоҳдан рози бўлади, кишиларнипг арзу додини тинглаганда, бу иш юзасидан халк олдида сурок беришни ўйлаб, изтироб чекади, Маснавий:

Ўзи подшоҳ, лекин дарвешсифат,
Унга шоҳликдан кўра факирлик хуш келади.
Халойикка бу шоҳдан нажот етсин,
Хаёт ундан асло холи булмасун.